

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**  
 Ўзбекистон Республикаси  
 Соғлиқни сақлаш вазирлигига  
 қарашли Республика клиник  
 рухий шифохонаси бош  
 шифокори  
**С.У.ТИЛАВОВ**

**Республика клиник рухий шифохонадаги барча тиббий асбоб-ускуналарни профилактикаси, диагностикаси ва таъмирлаш, шу жумладан эхтиёт қисмларни алмаштириш ва таъмирлаш учун хизматлар кўрсатиш ишларини бажариш хизматлари ЭЪЛОН**

Асосий маълумотлар	Бажарувчи
Объект номи	Республика клиник рухий шифохона
Буюртмачи	Республика клиник рухий шифохона
Объект жойлашган манзил	Тошкент шаҳар, Янгиҳаёт тумани, Йўлдош-4 мавзеси
Қатнашувчилар учун талаблар	<p>Кўрсатилган объект балансида бўлган тиббий асбоб-ускуналарни (кейинги ўринларда “Ускуналар” деб юритилади) профилактикаси, диагностикаси ва таъмирлаш, шу жумладан эхтиёт қисмларни алмаштириш ва таъмирлаш учун хизматлар кўрсатиш ишларини бажариш. «Буюртмачи» Объектда Ускуналарни алмаштириш ва таъмирлаш даврида, техник масалаларни, хар-хил камчиликларни ҳал қила оладиган, кўрсатилган хизматларни текшириб чиқадиган жавобгар шахсни тайинлайди.</p> <p style="text-align: center;"><b>ИШТИРОКЧИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР:</b></p> <p>Иштирокчи бундай иш турларини бажариш талабларига жавоб бериши керак;                  Ўхшаш иш бўйича ишларни бажариш тажрибаси 3 (уч) йилдан кам бўлмаслиги керак;                  Танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибаси мавжудлиги (зарур ҳолларда ишчи комиссия далолатномаси ва бошка тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этилиши);                  Тегишли ишларни бажаришга рухсат берувчи ҳужжатлар мавжуд бўлиши шарт. Ижрочи Ускуналарни алмаштириш ва таъмирлаш вақтида компьютерларни таъмирлаш ишлари учун зарур бўлган барча зарур ва махсус рухсатномаларга эга бўлиши керак;                  Ишларни бажариш учун ижрочи ташкилот штатида йетарли малака ва тажрибага эга бўлган зарур мутахассисларга эга бўлиши шарт;                  «Буюртмачи» берилган буюртмасини ўз вақтида ва сифатли бажариб беришни кафолатлайди.                  «Бажарувчи» ўз ходимларини хизмат ҳақи, хизмат кийими ва иш қуроли билан таъминлайди.</p>
Тижорат таклифларини тақдим этиш шартлари	Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома, раҳбарнинг паспорт нусхаси.
Бажарилган ишлар ҳисоб китоби	Республика клиник рухий шифохонада бажариладиган ишлар рўйхати 1 иловада тақдим этилади. «Буюртмачи» тасдиқлаган бирламчи ҳужжатларга (бажарилган ишлар далолатномаси, ҳисоб фактурага) асосан «Бажарувчи» реестр тузади ва

		<p>«Буюртмачи»га хар ойнинг 25-30-санасигача бажарилган ишлар далолатномаси хисоб-фактура орқали тўловга тақдим қилинади. Хисоб-фактура ва бажарилган ишлар далолатномасини буюртмачи ташкилот раҳбари қабул қилади.</p> <p>Буюртмачи «Бажарувчи»нинг шартнома бўйича ойлик кўрсатилган ишлар хажмидан келиб чиқиб 30% олдиндан тўловни амалга оширади.</p> <p>Ускуналарни алмаштириш ва таъмирлаш даври учун жами: 2022 йил 9 ой учун 27 379 400,00 сўм (ҚҚС билан)ни, шундан 15% ҚҚС 3 571 226,09 сўмни ташкил қилади.</p>
	Иш тури	Республика клиник рухий шифохонадаги барча тиббий асбоб-ускуналарни профилактикаси, диагностикаси ва таъмирлаш, шу жумладан эҳтиёт қисмларни алмаштириш ва таъмирлаш учун хизматлар кўрсатиш ишларини бажариш хизматлари
	Ишни бажариш муддати	31.12.2022 йил
	Техника хавфсизлиги бўйича талаблар	Бажарувчи иш бажариш жараёнида техник хавфсизлик қоидаларига тўла риоя қилиши шарт.
	Молиялаштириш манбаи	Бюджет